



*264*

## QAROR - ҚАРОР

2007 йил «23» март

№ 319-к

Туман хокимининг 1995 йил 7 мартдаги 99/2-К сонли қарорига асосан Солеев Шавкат томонидан қурилган шахсий савдо дуконига эгалик қилиш ҳуқуқини тиклаш ҳақида.

Туманнинг «Охалик» қишлоқ фуқаролар йиғини «Ёшлик» маҳалласида яшовчи фуқаро Солеев Шавкат туман хокимлигида ариза орқали мурожаат этиб, у томонидан қурилган шахсий савдо дуконига эгалик қилиш ҳуқуқини тиклаб беришни сураган.

Тупланган ҳужжатлар урганилганда, туман хокимининг 1995 йил 7 мартдаги 99/2-К сонли қарори, туман хокимлиги қошидаги ер хайъатининг 1995 йил 29 январдаги ер танлаш далолатномаси, туман Архитектура ва қурилиш бўлими томонидан тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари туплами мавжуд бўлиб, ҳақиқатан ҳам мазкур шахсий савдо дукони Солеев Шавкатга тегишли эканлигини исботлайди.

Такдим этилган ҳужжатларга мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 1998-йил 7-январда 387-рақам билан қайд этилган «Иморат ва иншоотларни руйхатдан утказиш тугрисида»ги йуриқномага асосан

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман хокимининг 1995 йил 7 мартдаги 99/2-К сонли қарорига асосан «Охалик» қишлоқ фуқаролар йиғини «Ёшлик» маҳалласида қурилган майдони 9,0 кв.м.дан иборат ушбу шахсий савдо дукони биносига Солеев Шавкат номига эгалик қилиш ҳуқуқи тиклансин.

2. Туман ер тузиш ва қучмас мулк кадастр хизмати бошлиғи Т.Шароповга амалдаги тартиб ва қоидага асосан, мазкур шахсий савдо дукони биносининг кадастр ҳужжатлари тупламини тайёрлаб, бинони давлат руйхатидан утказиш топширилсин.

3. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш туман хокимининг биринчи уринбосари вазифасини бажарувчи М.Турсунов зиммасига юклатилсин.

Туман хокими

Б.Садуллаев